

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

ТошПТИ ректори-профессор

Даминов Б.Т.



2012 й

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИДА  
ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ИЛМИЙ,  
ИЖОДИЙ ТЎГАРАКЛАРНИНГ**

**НИЗОМИ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифалар ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 6 мартдаги «Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш тўғрисида» ги 58-сонли буйруғи ижросини амалга ошириш юзасидан олий таълим муассасаларида илмий, ижодий тўғаракларни ташкиллаштириш тартиби ва шартларини белгилайди.

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР:**

1. Тўғарақлар ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда Олий ва хужжатлар ҳамда мазкур Низом асосида юритади.
2. Тўғарақлар узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми бўлиб, таълимнинг ривожлантирувчи вазифасини амалга ошириш бўйича давлат ва жамиятнинг узвий ҳамкорлигида ишлаб чиқилган дастурлар ва режалар асосида ўсиб келаётган ёш авлодни руҳий ва маънавий жиҳатдан мустақил ҳаётга тайёрлаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашини кафолатлайдиган, реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига юқори малакали, мустақил фикрлайдиган кадрлар тайёрлаш бўйича фаолият юритувчи ҳамда илмий-ижодий ишларни мақсадли ҳамда тизимли асосда амалга оширувчи амалий ва илмий-услубий ижодий уюшмаси ҳисобланади.
3. Тўғарақлар талаба-ёшларнинг оптимал ечимларини излаб топиш кўникмаларини ва ўқув фаолиятига нисбатан мотивациясини ривожлантиришга қаратилган қизиқишлари бир хил бўлган бир гуруҳ талабаларнинг маълум фан бўйича тажрибали профессор-ўқитувчилар томонидан уларнинг билим ва маҳоратини ошириш учун хизмат қилади.
4. Тўғарақлар Низоми, илмий раҳбари ҳамда унинг таркиби факультет Илмий Кенгашида кўриб чиқилади ва университет ректор буйруғи билан тасдиқланиб, фаолиятга киритилади.

5. Тўғарақлар - билим ва таълим соҳалари ҳамда мутахассисликлари бўйича илмий-ижодий ишларни мақсадли ва тизимли асосда амалга ошириш учун талаба-ёшлар қизиқишига, хоҳишига асосланган ҳолда дарсдан бўш вақтларини мазмунли ташкил қилади, ўқув-тарбия жараёнини тўлдиради ва куйидаги йўналишлар бўйича тўғарақлар ташкил қилиниши мумкин: Шахснинг маънавий камолотини таъминлаш йўналиши, Соғлом турмуш тарзи, эстетик ва жисмоний маданиятни шакллантириш йўналиши, Экологик билим ва маданиятни шакллантириш йўналиши, Диний қадриятлар ва замонавий билимлар яхлитлиги йўналиши, Сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий билим ва маданиятни шакллантириш йўналиши, Техник ижодкорлик ва касбий малакани шакллантириш йўналиши, мафкуравий иммунитет ва ғоявий курашчанликни шакллантириш йўналиши, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш йўналиши, шахс ва таълим хизматлари йўналиши ва бошқалар.

## **II. ТЎГАРАҚЛАРНИНГ АСОСИЙ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ**

1. Тўғарақларнинг асосий мақсади - талаба-ёшларнинг қобилияти, истеъдодини ривожлантириш, билим олишга ва юксак маънавиятли шахс сифатида шакллантиришга тўлиқ сафарбар этиш ҳамда уларни ҳар томонлама ҳаётга тайёрлаш, мамлакатимизда демократик ва иқтисодий тараққиётимизнинг тақдирини ҳал эта оладиган юксак маънавиятли, глобал фикрлайдиган, глобал мутасаддилик ва глобал касбий маҳорати шаклланган олий маълумотли, юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун ижодкор истеъдодли ёшларнинг илмий-ижодий салоҳиятини ошириш ва талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда уларнинг амалий-ижодий қизиқишларини қўллаб-қувватлашдир.

## **III. ТЎГАРАҚЛАРНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ**

7. Миллий ғоя, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган демократик тамойилларни амалда қарор топтириш, инсон ҳуқуқлари ва кадр-қимматини улуғловчи, Ватанга садоқатли, юксак маънавиятли ёшларни тарбиялашга қаратилган кенг қўламли илмий, ижодий ишларни олиб бориш:

- талаба-ёшларни ҳаётга мақсад ва ишонч билан яшашга тайёрлаш, уларни энг юксак қадрият сифатида вақтни қадрлаш ва ундан самарали фойдаланишга ўргатиш;
- талаба-ёшларнинг қобилияти, истеъдодини ривожлантириш;
- талаба-ёшлар тараққиётида маънавият оламининг беқиёс аҳамиятини сингдириш;
- маънавиятга қарши қаратилган хуружларнинг реал хавфи ҳақида тушунчалар бериш;
- ёшлар онги ва қалбини лоқайдлик, бефарқлик каби иллатлардан фориғ этиш;
- талаба-ёшларда барча кўринишдаги салбий ҳолатларга қарши курашувчанлик руҳини яратиш ва ривожлантириш;

- ёшлар орасида ватанпарварлик, миллий ғурур, маънавий теранлик ва ташаббускорлик илмий-ижодий истеъдод каби фазилатларни қарор топтириш ҳамда тўпланган бой бадиий-ижодий ва илмий-техник салоҳиятни янада ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиш;

- ёшларнинг онги ва сиёсий маданияти даражасини ҳамда илмий салоҳиятини юксалтириш асосида уларнинг демократик жараёнлар киришувига кўмаклашиш.

8. Глобал фикрлайдиган ёш мутахассисларни тайёрлаш соҳасида:

- талаба-ёшларни мустақил билим олиш жараёнида ақлий қувватлари ва вақтларини самарали сарфлашга ўргатиш;

- миллий қадриятни яхши билган ва уларни эъзозлаган ҳамда жамият ичида қабул қилинган ахлоқ ва одоб нормаларига риоя қилишга ўргатиш;

- меҳнатсевар инсон деган ижтимоий сифатни шакллантириш;

- миллий ғурур, яъни яшаб турган мамлакатининг тарихини, маънавият ва маданиятини билиш, унинг олиму фозиллари ва қаҳрамонлари билан фахрланувчи ҳамда шу мамлакатлар равнақига ўз ҳиссасини фаол қўшиб келаётган киши қалбидаги умуминсоний ғурур негизида пайдо бўлган рухий кайфиятни шакллантириш;

- ёшларда мустақил фикр, фуқаролик позициясини намойиш қилувчи билим, кўникма ва малакаларни ривожлантириш;

- илғор хорижий тажрибалар асосида таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириб боришга кўмаклашиш;

- талаба-ёшларда дунё миқёсидаги ҳамда мамлакатимиздаги сиёсий жараёнларга мустақил ва онгли муносабатни шакллантириш, фаол фуқаролик ва ватанпарварлик позициясини камол топтириш;

- ёшларнинг онги ва сиёсий маданияти даражасини, малакавий маҳорат ҳамда илмий салоҳиятини юксалтириш;

- Глобаллашув-ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви, мафкура палегонлари жараёнларига огоҳлик ва хушёрликни кучайтириш;

- талаба-ёшларни мустақил ва ижодий фаолиятга йўналтирувчи ташаббускорлик, ижодкор ва бунёдкор ғоялар руҳида тарбиялаш;

- талабаларни маънавий камол топтириш, бўш вақтини фикр-мулоҳазаларга, баҳс-мунозараларга чақирувчи, ижодий фаолиятни кучайтирувчи ғояларни ишлаб чиқиш ва тарғиб қилиш.

9. Касбий маҳорати шаклланган олий маълумотли, юқори малакали кадрлар тайёрлашни ривожлантириш:

- ижодкор ёшларнинг илмий ва ижодий салоҳиятини ошириш, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни ривожлантириш, уларни замонавий талаблар даражасига кўтариш;

- талабаларнинг бўш вақтини мақсадли ва мазмунли ташкил этиш ҳамда уларнинг амалий-ижодий қизиқишларини қўллаб-қувватлаб ривожлантириш;

- илмий-ижодий изланиш олиб бораётган магистрант ва талабаларга республикадаги ижодий жамоалар, илмий марказлар, фондлар ҳамда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга моддий ва маънавий ёрдамлашиш;

- илмий ва ижодий изланишлар натижаларини рағбатлантириш ва кенг кўламда тарғиб қилиш мақсадида тўғарак аъзоларининг ижодий ихтиролари билан республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманларда, кўрғазмалар ва кўрик-танловларда фаол иштирок этишига кўмаклашиш;
- тўғарак аъзоларининг редакциялар, ижодий уюшмалар, ташкилотлар, фанлар академиясининг илмий-текшириш институтлари ва илмий ишлаб чиқариш марказлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда изланишлар олиб боришлари учун имконият яратиш;
- магистрант ва иқтидорли талабаларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида, илмий-ижодий натижаларини тижоратлаштириш ва қўшимча иш жойларини топишига кўмаклашиш;
- халқаро ҳамкорликни ташкил этишда Интернет орқали гуруҳнинг иш фаолияти ва ютуқларини тарғиб этувчи Web-саҳифа очиб, мунтазам равишда илмий-ижодий фаолиятларини ёритиб бориш;
- тўғаракда ижодий, инновацион муҳитни яратиш ва ушбу жараёнда фаол қатнашиш.

#### **IV. ТЎГАРАКЛАРНИНГ ҲУКУҚЛАРИ**

10. Институтда бажарилаётган илмий-тадқиқот лойиҳаларда қатнашиш, турли илмий-амалий анжуманлар, кўрғазмалар, мушоира, ижодий учрашувлар, тадбирлар мажмуасини уюштириш ва ўтказишда кўмаклашиш.
11. Қонунда белгиланган тартибда реклама ишларини амалга ошириш ва ўз фаолиятида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш.
12. Ёшлар орасида маданий-маърифий, илмий-амалий ишларни олиб бориш ва тўғарак фаолияти ҳақида ахборотни кенг тарғиб қилиш.
13. Республикамиздаги ОТМлар, илмий марказлар, замонавий корхона ва ташкилотлар ҳамда жамғармалар билан илмий-ижодий ҳамкорликлар ўрнатиш.
14. Талабаларни тўғарак ишларига кенг жалб қилиш ва қизиқтириш мақсадида факультетлар Илмий Кенгаши қарори асосида тўғаракларга қатнашувчи талабалар орасида танлов ташкил қилиш мумкин.

#### **V. ТЎГАРАКЛАРГА АЪЗОЛИК**

15. Мазкур Низом қоида ва талаблари ҳамда мутахассислик тўғаракларининг мақсад ва вазифаларини маъқуллаган, миллати ва диний эътиқодидан қатъий назар, илмий-ижодий фаолиятига ўз билими ва қобилияти билан қизиққан бакалаврият ва магистратура талабалари тўғаракка аъзо бўлишлари мумкин.
16. Тўғараклар турини танлаш ва қатнашиш талабалар учун ихтиёрий бўлиб, унинг тўғаракларга иштирок этиш ҳақидаги оғзаки билдириши етарлидир.

#### **VI. ТЎГАРАК АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА БУРЧЛАРИ**

17. Тўғарак фаолиятига доир барча ташкилий-амалий масалаларнинг ҳал қилинишида тенг ҳуқуқлик асосида иштирок этиш ва тўғаракнинг Низомига

риоя қилиш ҳамда унинг мақсадлари ва вазифаларини амалга оширишда фаол иштирок этиш.

18. Низомга тўлдиришлар ва ўзгартиришлар киритиш борасида таклифлар ва тавсиялар билан чиқиш.

19. Факультетларда тўгараклар учун махсус жиҳозланган аудиториялар, ўқув-технологик жиҳозлар, ахборот ресурс маркази жамғармасидан ва жиҳозларидан фойдаланиши.

20. Талабаларнинг жамоат ишларида иштирок этиши ва дам олишлари эътиборга олиниб, тўгарак раҳбари тақдимномасига мувофиқ тузилган жадвал асосида тўгаракда катнашиш ва машғулотларни сабабсиз қолдирмаслиги.

21. Тўгарак машғулотлари учун зарур бўлган барча ўқув қуролларини олиб келиш ва хавфсизлик техникаси ҳамда санитар-гигиеник меъёрларига риоя қилиш.

## **VII. ТЎГАРАКЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШ**

22. Тўгарак факультет декани тавсияси асосида ректорнинг буйруғи билан ташкил этилади. Унга тажрибали профессор-ўқитувчилар раҳбарлик қилади ва йўналишлар бўйича масъул проректорлар назорати остида факультет деканлари томонидан бошқарилади ҳамда факультет Илмий Кенгашига мунтазам ҳисобот беради.

23. Тўгарак раҳбарининг ваколатлари:

- Илмий ва ижодий тўгарак Низомига ўзгартиришлар ва тўлдиришлар киритиш ташаббуси билан чиқади;
- тўгарак аъзоларининг сонини (иштирокчилар сони 5 нафардан кам бўлмаслиги керак) белгилайди;
- тўгарак ваколатларини ва унинг асосий фаолият йўналишларини белгилайди;
- тўгарак аъзолари ва йўналишлар бўйича тўгарак аъзолари томонидан тақдим этилган дастурий ҳужжат, лойиҳа ва концепцияларни муҳокама қилади ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилади;
- тўгарак фаолиятини такомиллаштиришга доир турли таклиф ва ташаббуслар билан чиқади.

24. Тўгарак раҳбарларида қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиши лозим:

- олий таълими муассасаларида тўгаракларни ташкил қилиш Низоми;
- факультет Илмий Кенгаш томонидан тасдиқланган тўгаракнинг йиллик иш режаси;
- иштирокчиларнинг давоматини қайд қилиш журнали;
- тўгарак иш жадвали;
- тўгарак иштирокчиларнинг рўйхати.

25. Тўгарак йиғилишларини ўтказиш унинг хусусиятидан келиб чиқиб, белгиланади.